

### ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



20 июль куни Президент Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили этиб тайинланган Халид Башир Маликини қабул қилди.

Халид Башир Малик Президентга ишонч ёрлигини топшириш баробарида мўтабар ташкилот раҳбари Бутрос Голдининг эзгу тилларини етказди. Ўзбекистонда халқаро ташкилот ва

колатхонасининг расмий очилиши МДХ давлатлари ичда осойишталик ҳукмрон бўлган Ўзбекистонга сиёсий ва иқтисодий тараққиёт учун мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Республика Президенти Халид Башир Маликини БМТ доимий ваколатхонасининг расмий очилиши билан қутлади.

— Умид қиламанки, — деди Ўзбекистон раҳбари, — ваколатхонангиз расмий мактабга эга бўлгач, республиканинг нуфузли ташкилот билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари доираси янада кенгайди.

Суратда: қабул пайти. А. ЗУФАРОВ (ЎЗА)

### БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАКИЛИ Халид Башир Малик

1952 йил 17 августда туғилган. Олий маълумотли. Буюк Британияда Оксфорд, Эсекс ва Кембрижда, Покистоннинг Панжоб дорил-фунунинда иқтисодиёт ва ҳисоб-китоб соҳасида докторлик даражасини олиш учун илмий иш қилган.

1973-75 йилларда Оксфорд ва Панжоб ривожланаётган мамлакатлар институтининг турли муаммолари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган, шунингдек Оксфорд дорилфунунининг Пемброн коллежида иқтисодиётдан дарс берган.

1976-80 йилларда — Катманду (Непал)да БМТ тараққиёт дастури илорасининг ходими.

1980-82 йилларда — БМТ тараққиёт дастури Осий — Тинч океан бюросида дастур маслаҳатчиси (Нью-Йорк).

1982-86 йиллар — БМТ фан-техникавий жағмармаси Африка бўлимининг бошлиғи, БМТ тараққиёт дастури (Нью-Йорк).

1986-89 йиллар — БМТ тараққиёт дастури Жоржтаун (Гайана)даги доимий вакилининг ўринбосари.

1989-93 йиллар — БМТ тараққиёт дастури иқтисодий маслаҳат бўлимининг катта иқтисодчиси (Нью-Йорк).

1993 йилдан — БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили.

Инглиз, урду, панжоби, француз ва араб тилларини яхши билади.

Уйланган, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўбаси.

### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Президент Ислам Каримов 20 июль куни республикага расмий таъриф билан келган Германия Бундестаги делегациясини қабул қилди.

Ислам Каримов меҳмонларга Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, Германия Федератив Республикасида қилинган сафардан сўнг янги поғонага кўтарилган ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳусусида сўзлаб берди.

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида Германия кўрсатган амалий ёрдами юксак баҳолар экан, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни, жумладан, парламентаро алоқаларни ривожлантириш лозимлигини таъкидлади.

Делегация раҳбари Э. Райнхардт хоним Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилгани ва кўрсатилган эътибор учун Президентга мамнуният изҳор этди. Ўзи раҳбарлик қилаётган делегация Германия — Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтиришга мурошиб ҳисса қўшаганини маълум қилди.

Қабул маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фақуллода ва мухтор элчиси К. Х. Куна ҳозир бўлди.

(ЎЗА).



● БМТ техниклари гуруҳи Грузияга юборилган бўлди.

Абхазия можаросидаги томонлар ўртасида ўт очиб тўхатилган тақдирда бу ерда 50 нафар ҳарбий қузатувчиси жойлаштириш учун мазкур гуруҳ таъйинланган ишларни ўтказди. БМТ Бош қотибнинг расмий вакили Жо Силлс давлатга кўчи келиши маълум қилди.

● Япониядаги сайловда ҳукмрон либерал-демократик партия мағлубиятга учрагач, сиёсий дўшманлик вазияти вуқудга келди.

Бу эса Америка билан Япония ўртасида савдо масалалари юзасида ўтказилган музокараларнинг бироз секинлаштирилиши мумкин. Оқ уйнинг матбуот қотиби Ди Ди Майерс журналистлар билан учрашувида шу фикрни айтди.

● Женевада ҚХДР билан АҚШ ўртасида ядро муаммоларини бартараф этиш юзасида ўтказилган музокараларнинг иккинчи давраси ниҳонсизга етди.

Қўшма ахборотда ядро қуролни тарқатмаслик халқаро тартибини мустаҳкамлаш учун МАГАТЭнинг тўлиқ ва ҳолис текшириши гоат муҳимлиги таъкидланган.

● Қўшма Штатлар билан Исроил амалга оширишга киришган қўшма дастурдан қузатилган жаъсад «Скад» тоннасига баллистик ракетага қарши самарали кураш усулини топшидан иборат.

● «Дифенс Ньос» ҳафтано-масининг ёзишча, Америкада баллистик ракета билан қузатилган вазиталарини яратиб ташкилоти ва ракета қарши тизимларга иктиссослашган Исроилнинг «Уэйлт» компанияси 4,5 миллион доллар турадиган ишлар дастурини бажариш ҳақида битим имзоланди.

Агар дастур муваффақиятли бўлиб чиқса, деб таъкидлади «Дифенс Ньос» газети, 1993 йилга бориб, баллистик ракетага уца бошлаши биланқ уларнинг ёқлини тўқши усулларини ишлаб чиқаришнинг кеги миқдоси қўшма дастурини амалга оширишга киришилади.

● Исроил армияси расмий вакилининг айтишича, Ливан жанубидаги ақда-парастлар курулти гуруҳлардан бирининг аъзолари билан тўқнашувда Исроилнинг икки аскари яралди.

Маҳаллий матбуотнинг хабарига кўра, Исроил бронетранспортери «Хавфсизлик зонаси» деб аталган жойдаги Бинт-Жибайл манзили яқинида милага дуч келиб портлади. Шундан кейин бошланган отишмада исроиллик икки аскар яралди.

Ва ҳужум қилувчилардан бири ўлди.

● «Тинчлик Яқин Шарда барқарорлик ва адолатни тиклашнинг бирдан-бир востасидир», — деди Миср Араб Республикасининг ташқи ишлар вазири Амир Мусо Байрутда.

Ливан раҳбарияти билан музокара ўтказиш учун бу ерга келган Миср вазири миқтақадаги сулҳ жараянига халақит бераётган тўқнаш-ларни бартараф этиш мувадассини изҳор қилди.

● Зулусларнинг «Ишката» фримдром парти гуруҳи Улунди шаҳрида курултой ўтказди.

Унда Жанубий Африканинг нелажани ҳақидаги кўп томонлама сулҳ жараянида қатнашмаслик қарор қилинди. Яқинловчи қарорда таъкидланганича, бу ташкилот мамлакатнинг келгусидан конституциявий тузилганига дахлдор бўлган барча масалаларда «Ишката» раҳбари М. Бутелезига вето ҳуқуқи берилган тақдирда яна музокара жараянига қайтади. Қурултой қатнашчилари илгари ўртага қўйилган талабларни, шунингдек, зулуслар яшайдиган миқтақаларга ҳукм муртобат бериши ҳақидаги талабни янада таъкидладилар.

Олжамон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### ЕШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Хоразм вилоят ҳокимлигида ёшлар вакиллари билан учрашув бўлди. Унда йигит ва қизларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишни жаллаллаштириш, тadbirkorликни, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ўрни ва

вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Жуманов шун ҳақда матрусу қилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар республикамизда ёшларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши учун барча шароитларни яратилаётгани, уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари қўриллаётганини

республика раҳбариятига миinntдорчилик изҳор этдилар, Ватан равнақи йўлида бор куч-гайрат ва билимларини аямасликларини айтдилар.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда сўзга чиқди.

Учрашувда Ўзбекистон

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурузоқов қатнашди.

Жиззах вилоят ҳокимлигида ҳам ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими А. Тўшкентбоев ёшлар ҳузурнда нутқ сўзлади.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Азимов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

**БАГРАМ АРАФАСИДАГИ ҲУЛАР**

**ОЛАМГА КЎЗ-КЎЗ БЉЛУДЕК**

Она юртим — мустақил Ўзбекистонда ўзгача бир кўтарикилик руҳи, байрамога кайфият. Истиқлолга икки йил тўлмоқда. Тарихан қисқа, лекин аҳамиятли ижтимоий асроларга таттулиқ йиллар бу.

Сайёрамиздаги 140 дав орқч мамлакат Ўзбекистонни тан олди. Ҳа жаҳон Ўзбекиниг кимлигини танимоқда, эътироф этмоқда. Аинқ са, мустақил Ўзбекистоннинг миллий байроғи БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдига қилпираб турганлиги кишига фахр ва ифтихор туйғунини бахш этмоқда.

Авалдларимиз орзу қилган ана шу улуг кум қадрига етиб, ёш авлодларимизга тушунтиришимиз керак.

Ватан қадрга етиш, уни эъзозлаш аввало ёш давлатимиз миллий байроғига бўлган ҳурматдан, ундаги рамзларни билишдан бошланади. Шундай экан, мактабларда ўтазалланган ялк дарслар миллий байроғимизни ўрганишдан бошлангани ўринли бўлурди. Зеро байроқ — давлатимиз тинсолойдир.

Яна бир гап. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқий ва демократик давлатимиз тарихида яна бир муҳим воқеа бўлди. Мазкур қонунга кўра, келиб чиқниши, ирқи ва миллатидан, яниса, маълумоти, тилидан, динига муносабати, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан катта назар ҳар бир киши республикамиз фуқароси бўлиши мумкин. Шундай ҳуқуқни олиш учун у кхирги беш йил давомидда мамлакат ҳудудига доимий яшган бўлиши керак. АҚШ фуқаролиги ҳуқуқини олиш учун ҳам шундай шарт қўзда тутилган. Лекин американик бўлишнинг яна бир муҳим шарти ҳам бор. Америкалик бўлишни истаган хорижий киши тевстан ўтказилади. Бунда унинг инглиз тилини, мамлакат қонунчилигини билиш-билмаслиги текширилади. Шундан сўнгги фуқароликка қабул қилиниши тантанали маросимни ўтказилади. АҚШ байроғи остида қасамд эттирилади. Маросимга келсак у ҳар бир кишининг миллатига, унинг тарихи ва анъаналарига қўшилганига юксак руҳ бағишлайди. Зеро, келажакга буюн бўлган Ўзбекистон давлати фуқароси бўлиш ҳам катта масъулиятдир. Яхши ният ярим йил давомида, парламентиимиз маъруз масалани ўрганиш чиқиб бирон қарорга эслоди, деган умиддамиз. Зеро, Ватанга салюнат мамлакат байроғига ҳурмат ва унга қасамддан бошланади.

**Алшер РҒЗНЕВ.**

«Ўзбекистон овози»нинг 1993 йил 9 июль соинда буюк бобокалонимиз, ҳазрати инсон ва соҳибқирон Амир Темурга бағишланган «Миллатимизни мангуликка муҳра-лағалар» саҳифасини ўқиб туриб, бехиётёр фахрландим, кўнглимдан қўнмаги мулоҳазалар кеҷди.

Ҳозирги кунда мустақиллик шарофати билан миллатимизнинг узлигини англаши кучга бориши — натижасида миллий-маданий қадриятларимизнинг тикланаётганлигини зўр ифтихор туйғулари ила қайд этмоқ лозим.

Жаҳон маънавий-маданий

зиденти Ислам Каримовнинг сайён-харақати ва гапхўрлиги туйғайли ҳуқуқматимизнинг қарори билан Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқларининг тарихида, айниқса, ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирган ва уни шону-шухратлар

### Акс-садо Буюк алломаларимизнинг сиймолари ҳақида

тараққиётга ўзларининг салмоми ҳиссаларини қўшган, миллатимизни мангуликка муҳраган Ал Фарғоний, Ал Бухорий, Ал Термизий, Ал Фаробий, Ал Бегуний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа қатор бобокалонларимизнинг ҳаёти, фаолияти, бой ва бебаҳо илмий меросини чуқур ва кеги ўрганишга кишиқчи куи сайни олиб бормоқда.

Қатор алломаларимиз тававалларнинг хилма-хил саналарга бағишланган юбилей тантаналарига таъйерларнинг ишлари қизиги олиб борилмоқда. Шу муносабат билан республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг сайён-харақати ва гапхўрлиги туйғайли ҳуқуқматимизнинг қарори билан Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқларининг тарихида, айниқса, ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирган ва уни шону-шухратлар

қилиб қолдирилган эмас. Шу сабабга кўра, ҳозирги пайтда айрим алломаларимизнинг сиймолари хилма-хил, ҳатто бир-бирига ўхшашмаган тарзда яратилмоқдаки, бундай аҳволга, назаринида, тез фурсат ичида чек қўймоқ даркор.

Бизнинг тақлифимиз — буюк алломаларимизнинг сиймоларини яратиб буйича Президентимизнинг махсус Фармони билан кўзга кўрилган олимлар, адиллар, расомлар ва бошқа йирик ар-боблар таркибиди махсус ҳуқуқмат комиссиясининг туйлиниши маъсадага мувофиқ деб биламиз. Бу комиссия ҳуқуқмат талловлари (конкурслари) ўтказиб йўли билан ҳар бир алломанинг эгона сиймоси яратилишига эришмоғи лозим.

Масаланин шу тарзда ҳал қилиниши, бизнинг фикримизча, халқимизнинг гурурини шакллантиришдек муқаддас вазифани ўтайди ва ўз навабига бу ҳодиса миллий мустақиллигимизнинг мустаҳкамлалишига хизмат қилади.

**Сад ШЕРМУХАМЕДОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

### ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қарши. («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Шаҳар ва район ҳокимлари, Халқ демократик партияси кенгашлари биринчи қотиблари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ўтган Қашқадар вилояти фаоллари йиғилишида халқ ҳужалии режарали бажарилишининг ярим йиллик якунлари ва иқтисодий ислохотнинг бориши тўғрисидаги масала ўзгариб чиқди. Бу ҳақда вилоят ҳокими ўринбосари Р. Насимов ахбороти тингиланди.

Шунингдек йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши масъул ходими Б. М. Рустамов Ўзбекистон Республикаси Вазирилар маҳкамасининг 1993 йил 20 июлдан бошлаб қиллоқ хўжалиги махсустотлари ва озиқ-овқат товарларининг айрим турлари бўйича шартномавий (эркин) харид ва чакана нархларга ўттиш тўғрисидаги қарори ҳақида ахборот берди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Т. Хидиров нутқ сўзлади. Қўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Йиғилишида ХДП вилоят кенгашининг биринчи қотиби Ф. Омонов қатнашди.

**М. КАРОМОВ.**

### ХУШ КЕЛИБСИЗ, ҚОЗОҚ, БОВУРИМ!

Кеча қардош Қозоғистон Республикаси Д. А. Қўноев хайрия халқаро жағмармаси вакиллари ҳайъати, жамоат, адабиёт ва санъат намоёндалари Тошкентга келди. Меҳмонлар орасида қўшни Чимкент вилоятидан қўнлаб бирорларимиз ҳам бор. Меҳмонлар эртага Тошкентда ана шу халқаро жағмармаси Ўзбекистон бўлимининг тантанали очилиш маросими да қатнашадилар.

Димухаммад Қўноев қозоқ ва ўзбек халқларининг атқоли ва сеvimли фарзанди. Унинг номи ҳар бир ўзбек хонадонига таниш ва қардон. У ўзининг садоқати ва содиқ дўсти Шароф Рашидов билан узқи йиллар мубайнида икки қардош ва қондош халқ абадий дўстлиги, фаровонлиги йўлида филолилик кўрсатди. Айниқса, Пахтаорол, Еттинсой ва Кирров районларининг равнақи, бу дийрда қиллоқ хўжалиги-ишларининг ривожни бу икки-дават аробининг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

**Абдулла ПЉЛАТОВ.**

### Амал — ишлаганники

Қумқўрғондаги Бойматов номи жамов хўжалигининг Эргаш Жумев деган раиси бор. Олтимиш қоралаб қонган бўлсада, халқ ҳамон ўғириниб бирорта бостирмайдиған, зарбардест одам. Ҳеч нарсадан: на замондан, на одамлардан, на тарбиядан шикоят қилмай. Шунга ўрганмаган. Ваъда берди-ю уни урдалайди ҳам.

Бундан уч йил муқаддам, бир ярим минг гектарлик узумзор ва мевали боғ яратилган, деганди. Ана бугун хўжаликка боғ қўгани нелиниг. Қособа, Лалмикор дастларига қадалган қўчатлар бу йил ҳосилга кирди. Чўчкасой, Чаётепа деб аталадиган адирларнинг номини одамлар ўзгартаришди. — «Янгибод» деб қўйишди. Уй-жой, мактаб қуриш бошланди.

Раис, завод курамиз, ўзимизнинг пахтамаздан кириймкечак тинамиз, деганди. Завод курилишида суръат ёмон эмас. Бу йилдан сўнг пахтачи ўзлари тозалайдиган бўладилар. Келгус йилдан тўқимачилик, тикувчилик ҳақлари ишта тушади.

Раис — жаҳонгашта одам. Дунёни тўрт бурчагида ҳам тўти кишига дўстлари бор. Уттан йили Жанубий Кореяга бориб келди. Дау корпорацияси «Мистер Жу-мо-ев» тўғрисида киши ишлади. Сафардан қайтган. Жумавенин, Жанубий корейликлар Ёр дамиди колхозимизнинг маъданиди ўинда телевизор залвондин курамиз, деб мақтангани хаш-паш дегунча вилоят раҳбарларининг кулогига чалинди. Вилоятдагилар, шунча обур бир ракета оғир

экинзорларга туташтирилган.

Ахули йигирма беш мињафардан энди. Юрчилида бўлар-булмаста Жумавенин ёқасига қўл қўзиб, хай раис, деб муомала қилимоқчи бўлганлар учраб турдилар. Масалан, бир бўйин йўғирогни бир нартанинг бошдан ўрбашмалик билан дундо эгалладил, яна бир устамноғи идорага кириб, мулойим кўришиб-сўрашадилар.

Раис бўлди, кенгашибу курамиз, дейди. Кенгашибу кўрби бошқачароқ хўласага кела бошлаганларни сезиб юзлам боғли одам, энди биз ҳам курамиз, дейди. Орага одам қўлиди. Айтганимизни қилмасангиз, устингиздан ёзмамиз деб, «дипломатия» қилишгача бориб етди. «Устингиздан ёзмамиз» деган гапдан Жумев кўримади. Бунана пулисларнинг қозониди роса пишган одам.

Ҳуқоқ Жумев, сизга ҳам, менга ҳам энёни тегмайдингиз, бир гапни айтсам, сиз эшитсангиз, дейди. Фалон иш (лавозим) бўлбади. Шунини ўлғмага-берсангиз. Ўқиб келган, дипломи бор, дейди. Раис бўлди, кенгашибу кўрби бошқачароқ хўласага кела бошлаганларни сезиб юзлам боғли одам, энди биз ҳам курамиз, дейди. Орага одам қўлиди. Айтганимизни қилмасангиз, устингиздан ёзмамиз деб, «дипломатия» қилишгача бориб етди. «Устингиздан ёзмамиз» деган гапдан Жумев кўримади. Бунана пулисларнинг қозониди роса пишган одам.

Ҳуқоқ Жумев, сизга ҳам, менга ҳам энёни тегмайдингиз, бир гапни айтсам, сиз эшитсангиз, дейди. Фалон иш (лавозим) бўлбади. Шунини ўлғмага-берсангиз. Ўқиб келган, дипломи бор, дейди. Раис бўлди, кенгашибу кўрби бошқачароқ хўласага кела бошлаганларни сезиб юзлам боғли одам, энди биз ҳам курамиз, дейди. Орага одам қўлиди. Айтганимизни қилмасангиз, устингиздан ёзмамиз деб, «дипломатия» қилишгача бориб етди. «Устингиздан ёзмамиз» деган гапдан Жумев кўримади. Бунана пулисларнинг қозониди роса пишган одам.

Ҳуқоқ Жумев, сизга ҳам, менга ҳам энёни тегмайдингиз, бир гапни айтсам, сиз эшитсангиз, дейди. Фалон иш (лавозим) бўлбади. Шунини ўлғмага-берсангиз. Ўқиб келган, дипломи бор, дейди. Раис бўлди, кенгашибу кўрби бошқачароқ хўласага кела бошлаганларни сезиб юзлам боғли одам, энди биз ҳам курамиз, дейди. Орага одам қўлиди. Айтганимизни қилмасангиз, устингиздан ёзмамиз деб, «дипломатия» қилишгача бориб етди. «Устингиздан ёзмамиз» деган гапдан Жумев кўримади. Бунана пулисларнинг қозониди роса пишган одам.

Ҳуқоқ Жумев, сизга ҳам, менга ҳам энёни тегмайдингиз, бир гапни айтсам, сиз эшитсангиз, дейди. Фалон иш (лавозим) бўлбади. Шунини ўлғмага-берсангиз. Ўқиб келган, дипломи бор, дейди. Раис бўлди, кенгашибу кўрби бошқачароқ хўласага кела бошлаганларни сезиб юзлам боғли одам, энди биз ҳам курамиз, дейди. Орага одам қўлиди. Айтганимизни қилмасангиз, устингиздан ёзмамиз деб, «дипломатия» қилишгача бориб етди. «Устингиздан ёзмамиз» деган гапдан Жумев кўримади. Бунана пулисларнинг қозониди роса пишган одам.

Қишлоқда ахули тиғиз. Бир бригадалда тўрт юзлаб одам ишлайди. Торморча сураган, иш сураган қўп.

Өшпаеве Булғақтага кўчиб чиқди. Унга элнитганча одам эргашди. Аскарияти — ёш оилалар. Келганлардан қўнлари томоғига олиниди. Унинг пойдоворини қуришга киришишди.

Улардан нарироқда мен Қудратов Қўлмурот деган ҳаммасимни учратдим.

— Газетада «сокращение» га тушидим. Кутубхонанинг маоши оз экан, — дейди кулиб Қўлмурот, — раиснинг рўйхушлиғи билан боғлиқ тўқнаш бўлди. Вақтида «Буёқдорлик» деб мақола ёзди. Бутун бўлса мулла Қўлмуротнинг ўзи бунёдкор, бир ишлайликчи...

Чўчкасой деган жойда қарсиллатиб кетмон ураётган ёшгина йигит диққатини тортди. Ҳазини «Янгибойман» деб таништириди. Аскарликдан тўғри Ортиқовнинг бригадасига аъзо бўлиб кирибди.

— Дегайиш бормадингми, — деб сурадиман.

— Нонимни тоғиб ейди.

• ХДП ҳаётидан

# ҲОКИМЛИК БИЛАН ХАМКОРЛИКДА

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимлик тизимлари билан алоқани мустахкамлаш бўйича Амурдарё район партия кенгаши иш таърибаси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Район партия кенгаши ва унинг ижроия бюроси қороналар, ташкилотлар, бошқармалар, бирдамлар, ҳўжаликлардаги бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзоларининг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида фаолиятини ошириш чораларини қўраётди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон республикаси ҳалқ депутатларининг асарият кўпчилигининг, район, шаҳар, посёлка ва овул кенгашлари депутатларининг ярмидан кўпрогини партия аъзолари ташкил этади. Ҳалқ депутатлари кенгашларида партиавий депутатлар гуруҳлари ишлаб турлади. Район кенгаши ва унинг ижроия таркибига ҳокимлик ходимлари, ҳўжалик раҳ-

барлари ва фаоллари киритилган.

Район ҳокимлиги томонидан санаотдами, қурилишдами, кишлоқ хўжалигидами, бирор тадбир амалга ошириш режалаштирилса, албатта, район партия кенгаши ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ҳисобга олинади ва амалга ошириладиган бarchа ишларга жалб қилинади. Шундай ҳамкорлик, биргалашиб ишлаш тўғрисида қўйилган самараларга эришилмоқда.

Партия ташкилотлари ва партия аъзоларига нисбатан талабчанлик оширилишти. Ижроия бюро йўналишларида Мангит пахта тозалаш заводи директори К. Юсуповнинг меҳнат жамоасини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, Жумиртов посёлкаси кенгаши раиси Ш. Оллобергановнинг хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш, Қангли овул кенгаши раиси Ф. Тураевнинг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бошқа раҳбарларнинг ўз вазифалари ва партиявий бурчаларини қандай бажараётганликлари бўйича ҳисоботлари тинтилди.

Ижроия бюро қарори билан «Саховат» ва «Адоллат» фондлари тўзилади. Эриш-ликлар билан ўтказилган учрашувларда ҳалқнинг миллий меросларини қайта тиклаш, маданиятнинг ривожлантири-шиш, ёш аълодин инсонпарварлик руҳида тарбиялаш маънаўларидан суҳбатлар ўтказилди. Район газетаси саҳифаларида «Ўзбекистон ХДП Амурдарё район кенгаши матбуот маркази хабар қилади» рубрикаси остида партия турмуши масалалари кенг еришиб борилмоқда.

Айни пайтда район партия кенгаши ҳокимлик тизим-лари билан алоқани янада мустахкамлашда баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Ижроия бюро мажлисларини ўтказишда узлишлар бўлишти. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Респуб-лика кенгаши ижроия бюросида бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг қотиблари орали хўжалик ва жамоат ишларидаги алоқани яна ҳам кенгайтириш, бу йилги белги-ланган режа ва топириқларни ошириш бажаришда партия ташкилотлари роли-ни, партия аъзоларининг ишчиларини ва фаолларини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,  
«Ўзбекистон овози» мух-бири.

• Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан

# ЎЗУВЧИ — БЕКОБОДЛИКЛАР МЕХМОНИ



Сирдарё соҳилидаги сўлим бода шаҳар меҳнатқаш-ларни Ўзбекистон халқ ўзув-чиси республика Олий Кенга-шис маданият ва маданий меросни асраш масалалар қўмитаси раиси Пиримқул Қодиров билан учрашди.

— Ҳаётимнинг муҳим бос-қичида, ижодий изланишларим бошланган даврда Бек-обод илчиларининг яратув-чанлик муҳити менга ялҳом берган эди, — деди адиб. — Уруш даврида «Металл учун» газетасида дастлабки шеърларим, мақола ва очеркларим чоп этилган. Бекобод шаҳри менга яна шу жиҳатдан қадрлики, бир акам металлургия заводин-даги марген цехида бўлат қуловчи, яна бири эса мақтаб да ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Ўзувчи икки йил мобай-нида республикамиз фуқа-ролари ҳаётида катта ўзга-ришлар рўй бергани, қадри-ятларимиз тиклана бошла-гани, миллий мафқурани шакллантириш борисада амалга оширилаётган иш-

лар ҳақида тўлқинланиб га-пириди.

— Биз қураётган ҳуқуқий давлат асрлар оша йшайди. Урунг пойдевори мус-таҳкам бўлмоғи керак, — деди Пиримқул Қодиров. — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилингани, давлат байроғи ва мадҳиясининг тасдиқлан-ганидан ҳар бир фуқаронинг боши осмонда.

Кизгин суҳбат давомида Пиримқул Қодиров учрашув қатнашчиларини қизиқтир-ган саволларга жавоб бер-ди.

П. НИШОНОВ,  
ЎЗА муҳбири.

# ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Кегейли район кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда таш-килий масала кўрилди. П. Алланёзов бошқа ишга ўтганилиги муносабати билан

район партия кенгашининг биринчи котиби лавозимдан озод этилди. Пленумда илгары район ҳокими муовини бўлиб ишлаган Эркин Хўжанов Ўзбекис-

тон ХДП Кегейли райони кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Респуб-ликаси кенгаши иккинчи котиби С. Қўтлимуродов қат-нашди ва нутқ сўзлади.

«Ўзбекистон овози» мух-бири.

# БИРИНЧИ КОТИБ ҲИСОБ БЕРДИ

Ўзбекистон Халқ демократия партияси Андижон вилоят кенгашининг навбатдаги ижроия бюроси йилги ишлари ҳақида партия бюджегини тасдиқлаштириш ва янги қиёмидан фойдаланиш борисада олиб бориллаётган ишлар ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Бу ҳақида туман партия кенгаши биринчи котиби М. Олимовнинг ҳисоботи эшитилди.

Районда партия аъзолари сони 1114 кишига эди. 43 та партия ташкилотига бйрлашган ХДП аъзолари халқ хўжалигининг турли жаба-ларига ишламоқдалар.

Шу йилнинг биринчи яр-мида бюджет даромади сал-кам 577 миңг, харажатлар эса 680 миңг сўмдан кўпро-қини ташкил этди. Ётиш-мовчилик 103 миңг сўм бўл-ди.

# Меҳнат жамоаларида УЙ БЕКАЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Қашқадарё вилоятидаги дўконларга чиройли Фут-бол кўйлаклари, болалар-нинг ёзил кийимлари ва костюмлар келтирилди.

Бу кийим-кечек ишлаб чи-қарилади ва ишлаб чиқариш кенгаши.

Шаҳрисабзда янги қорхо-нанинг ишга туширилиши аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам анча енгил-лаштиради: бу ерда 450 киши, асосан аёллар, собиқ уй бека-лари меҳнат қилмоқда.

Кўпчилик ишларини мустахкамлаш йўлида сус-тақилмаққа йўл қўйилган. «Асак» ва Навоий номи давлат хўжаликлари, 111-механизацияланган кўма колонна, туман сув хўжали-қи бошқармаси, «Пролетар» матбуот жамияти партия ташкилотлари қаттиқ тан-қид қилинди.

Партия ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга партия аъзолари сонининг ўсиши ижобий таъсир этади. Йилнинг би-ринчи ярмида туманда партия аъзолари сифи 57 кишига ўсди, холос, Бу, қовиқарли эмас. Қў-ма бюро мажлисида «Ви-лоят партия кенгаши»-нинг биринчи котиби А. Ҳакимов, Асак тума-ни ҳокими Т. Ёқубов туманда партия сифини янада ўстириш мумкинлигини таъкидладилар.

Шунингдек, мажлисда Андижон вилоят партия таш-килотининг республика Пре-зиденти, ҲаХДП Раиси И. Каримовнинг Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида сўзлаган нутқларидан, Ўз-бекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қомитетининг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Муста-қиллик кўнига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юза-сида вазифалари тўғриси-да»ги қароридан келиб чи-қадиган долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди ва уларни амалга ошириш юза-сида ташкилотлар белгиладилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мух-бири.

# Озарбайжон: ХАЛҚ ЖАБҲАСИ ХАЛҚ БИЛАН ОЛИШИБ БЎЛДИ

Озарбайжон халқи нав-батдаги дам олиш кўнларини телевизор олдига ўтказди. Тўнтариллар ва урушлардан жафо чеккан одамларни га-ройиб янгиликлар кутардики, бундан республика лароага келди. 4 июндаги Ганжа фожияли воқеалари — абор бўлиб, талсагага тушган режим ҳўнреэлик ва бирода-дукчилик уруши йўли билан ҳокимиятни қўлида сақ-лаб қолишга уринишининг оқибати бўлди. Шу воқеа-дан сўнг сир тутилган кўп нарзалар Ганжа фожиясини текширган депутатлар ко-миссияси фикри парламентда эшитилган пайтда ошкор бў-либ қолди. Фуқаролар Пре-зидент А. Элчибеёвнинг энг яқин гўмаштарини унинг руҳсати билан ишлаб чиққан раҳбарлардан хабар топиб, лева бўлиб қолдилар. Бу режа ҳўзирги бош вази-р Сурет Хўсайновни ўлдир-ишини, унинг 709-брига-дасини осмондан бомбар-диров қилишини, юзлаб бе-гунчо қишлоқларни қириб таш-лашни, ўзгача фикрловчи-ларга қарши кенг миёна-дан қатағонга айланган тез ва адонатсиз ҳўнмлар чиқар-ишини ўз ичига олган эди. Яқиндаги номлари ёш Озарбайжон демократияси рамиз бўлган кишилари: президент А. Элчибеёва, со-биқ бош вазири Т. Хўсай-новга, парламентнинг истеъ-фого чиққан раиси И. Гам-барга, собиқ давлат котиби А. Керимовга сийёсий (ҳам жинсий) айб қўйилди. Жума кўни парламент биносида И. Гамбар қомоқда олинди. Олдинги режимнинг асосий вазирали ва айрим юқори лавозимли давлат амалдо-рлари бошига ҳам унинг қис-мати тушди. Қўнгина «жаб-ҳачи» раҳбарлар (яъни Озарбайжонни идора қилган халқ жабаҳиси тайинлаган одамлар) жуфтгаки ростилаб қолдилар, бундайлар кўпчи-лик бўлиб, уларнинг кўли халқ қонига беланган эди.

«Хайдар Алиев қаттиқ кетяпти», — бу гапни ҳатто халқ жабаҳисини, қилмишларни ҳали ҳамма оғир кўз ол-дидан кетмаган Элчибей ва унинг командисини бўралаб сўзлаётган кишилардан ҳам оштинтиш мумкин. Ҳа, ҳақи-қатан халқ қаттиқ кетаяпти. Харитиллар ва декларация-лардан парчаларни ёлғаб олган, инсон ҳўқуқлари тў-

рсисидани юзани тасавурулар-га берилган, халқ ҳаётидан ажралиб қолган демократта Озарбайжонда рўй бераётган воқеалар одибезилликден бўлиб кўриниши мумкин.

Инкор этмайми: ҳўзирги маъмурларнинг ҳаракатлари ҳўқуқлар ва эркинликлар тўғрисидаги академик ақи-даларга мутлақо мос кел-майди. Лекин Озарбайжон-даги 1993 йилнинг жазира-ма ёзида рўй берган во-қеаларга кенг тарихий ва диалектик нуқтаи назардан қараладиган ҳўр бўлиб, бу воқеалардан олмас бу даврда давлат ва халқ учун жузда зарур бўлган авторитар режимнинг шакллани-шидан аборат ҳўлисона, умуман солом жараёнини қўрмаслик мумкин эмас. Бу жараёнини ватан тағдиринга бефарқ қарай олмайдиغان билимдон кишиллар амалга оширмоқда. Чўнги ҳўзир кўп партияли парламент ва эркин матбуот каби демократик пасонларга тийиб турадиган авторитаризминга мамлакатнинг ялпи тартиб-синдик ва ҳўқуқий бошбoш-донлик сари оғиб кетилиши тўхтатишга қодирдир.

Озарбайжон бундай қис-матни кутганми? Ҳа, кут-ган эди. Сийёсий шабқўрлик-ка учраган ёни ҳамма нар-сани рад этиш касалига гирифтор бўлган кишиларгина Озарбайжон халқ жабаҳисини демократик тузум деб ҳисо-בלашлари мумкин эди.

«Жабҳачилар» Элчибей-нинг четлаштирилиши но-мақбуллиги тўғрисида гапи-риши жузда яхши қўришди. Депутатлар комиссияси Ганжа воқеасини текшириши «сийёсий суд», ҳоким-ият тепасида турган пайт-ларда фарқулолда ҳола жорий этиб, ўзлари тақия-лаб қўйган митингларнинг тарқатиб юборилишини эса демократик эркинликларни «обқости қилиш» демоқда-лар. Узининг айбини бил-ган одам ёрилиб ўлади де-ганлар. Автоматлар ва гра-натометрлар билан нуруллан-ган «қирққон Озарбайжон йилдиларининг» (Озарбай-жон халқ жабаҳиси умри ту-таганини сезиб, фронда жу-да зарур бўлган 30 миңгача милтиқ, шу жумладан гра-

# ҲўР ВАТАН ШўКРОНАСИ

Сира ёдимдан чиқмайди. Олимпийда ўинларининг би-рида шоҳсувда турган голиб Ватаниннинг мадҳияси ча-линиб, унинг байроғи кўта-риллаётган томонга тескари-лариб, беҳўрматлик қилган-лиги учун олимпийда меда-ли ва голиблардан маҳрум қилинган эди. Йониянинг «Тойота» фирмасидаги иш-чи-хизматчиларнинг иш бош-лашларидан олдин, ўз мам-лакатлари мадҳиясини жўр бўлиб ижро этишилари, улар-нинг Ватанларига бўлган са-доқатининг кўнгли наҳори эмасми!

Мустақил Республика-мининг миллий армияси ташкил топди. Энди эса уни

ҳимоя қила оладиган ўз миллий зобитлари, саркарда-ларини тайёрлаш керак. Кей-инги пайтларда ҳарбий хизмат қадрликларидан баъзи ёшларнинг бўйни това-лини қандай тушунмоқ ке-рак? Бу масалда тарғибот-нинг кенг усулларидан фой-даланиш керак.

Истиқлол мафқурасида тид муаммоси етакчи ўрин олиш керак, деб ўйланам. Бу масалда шошма-шошар-ликка йўл қўймайлик, Бол-тиқбўйи, Молдовада юз

берган хатоларни такрорла-маслик лозим. Қонунни бос-қичма-босқич, эҳтиёткорлик билан, бошқа тилларда сўз-ловчи республика фуқарола-рининг миллий гурунга тег-маган ҳўда амалга оши-риш талаб этилади.

Вилдон эркинлиги — бу нозик масала.

Маскинд, мадрасаларда, ма-ҳаллаларда таҳсил олаётган йилми-толиблар фан-техника янгиликларидан ҳам хабардор бўлишлари, йиғи, компьютерла-штириши фанлари билан жиндийроқ шуғулланишлари,

хуллас, ўз қўбнига ўрала-шиб қолмасликлари керак. Маскиндларда имом-хатиб-ларнинг ваъза-даъват билан чиқишлари инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий тўй-ғу, поклик, ҳаромдан ҳазар қилишдек ўтмиш маънавия-тимизининг тезроқ тиклани-шига ёрдам бериши керак.

Қўнилларда истиқлолга эришган ҳўр Ватан шўкронаси бўлсагина, она-Ватан тўйисини йўл унинг ке-лагани пойдеворида ўз ул-ушминани қўша олишимиз мумкин.

Б. ГОИЙБОВ,  
Ўзлмшаҳарлоққа олий-гоҳи ҲаХДП худудий таш-килоти котиби.

# Кичик қорхона-қони фойда ҚЎШРАБОТ ГИЛАМЛАРИ

Туман каспалюасининг эски биноси ташландиқ ах-волда эди. Баҳодир Хўдой-бердиев ўз одамлари билан ҳўлини «Феруза» кич-к қорхонасига айланти-риб олди.

Атрофининг саранжом-сар-ишталлигини қўриб ҳавасин-гиз келюди. Эски бинолар шек-ларга мослаб таъмирланган. Айниқса трикотаж цехида иш қизми. Бу ерда ишлаётган қизлар аллалекан жемпер тўкишининг хадисини олишган. Мутахассислар эса Ригада ўқиб келишпти. Жемперлар чир-ройли, ихчам, харидорлар.

Гилам тўқиш цехида маҳал-лий усталарнинг кучи билан ярим автомат усуналор ўрна-тилди. Бу ерда ҳар ойда 5—6 дона гилам тўқилмоқда.

Нима кўп, Қўшрабодда қўй териси кўп. Шу боис кичик қорхонада пўстин тикиши йўл-га қўйилди. Ҳўзирче тери Бухорода ошлаб келтирилади. Бу технология жараёнини бе-восита шу ернинг ўзида амал-га ошириш чоралари қўрил-япти. Бугунги кўнда иссиқ пўстинлар қўпонлар ва гео-логлардан ортмаяпти. Аста-се-кин уни Россиянинг қурилиш материаллариға алмаштири-ш ятлари бор.

Ҳўзир тумандаги учта хо-надоннинг бирида артезиан қудуғи пайдо бўлган. Дарво-қе бундай шарафли ишларни «Феруза»нинг ишбилармон-лари бажаришмоқда. Артези-ан қудуқлари учун чекка қи-шлоқлардан ҳам буюртмалар келаяпти. Бундан ташқари туман марказида дурадгорлик устаханаси ишлаб турибди. У

ерда дарвоза, эшик-дареза, чорпо, курсилер тайёрлана-ди.

Шуниси қизиқки, уядбурон-лар бу билан кирюяблиб қолган эмас. Зерур усуналор-ни топиб пайвандаш ишлари билан ҳам шуғулланишяпти. «Оқтепан» давлат хўжалиги би-лан шартнома тузиб, бу ерда 7 миллион сўмлик газ қувур-лари пайвандашмоқда. Юко-рида саваб ўтилган юмшларни бор-йўғи 70 киши амалга оширмоқда.

Қорхона фаолияти ҳўда завқу шавк билан суқиб кур-ган директор муаммоларга келганда бирдан жиндий тор-тиб қопди.

— Очиги, додимани кимга айтишни билмайман. Қарга бош сўқмай, ишбилармонлар ҳақида нотўғри фикрга бори-

шади. Бизга бир тийин ҳам кэрз бермай қўйишади. Нақд пулга ҳам аш топсақ, олиш-га рухсат беришмайди. Ахир, биз режадан ташқари ишлаб чиқарилган ҳам аш ҳисоби-га ишлаймиз-ку!

Тўғри, ишбилармонлик ни-қоби остида шавқий манфа-атини кўзлаётган ҳаммасла-рини ҳам йўқ эмас. Бунинг йўли осон: менимча, олибсо-тарлик ва умуман фақат сав-до билан шуғулланувчи шир-кет, кичик қорхоналарни шарт-шарта ёпиб ташлаш керак.

Лекин четдан айирбоши!» ҳисобига мол келтиряётганлар бундан мустасно.

Фармон ТОШЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мух-бири.

Айни қуларда республи-камыз далаларида гўза пар-варини қизитилмоқда. Ай-ниқса сувчилар шу кўннинг қаҳрамонларига айлан-иб қолган. Зеро чилда сув — тизла суви деталариде ҳўз-ирги пайтда сувага қонган гўза илҳоллари кузда мўл ҳўсал беради. Механизатор-ларнинг ҳам қўли қўлга кел-майдн.

Зарбор райондаги «Шарп юлдизи» давлат хўжалигининг 8-бригадаси аъзолари 64 гектар ерга пахта экиб 49 гектар майдондан 28 центнердан ҳўсал олишни мўлжалламоқдалар. Шу бо-ис парварини тобора кў-чайтираётдилар.

СУРАТДА: хўжалик бош ҳўсалоти К. Шодиборов бри-гада аъзоларидан Х. Боти-ров, Л. Тоқибоев, У. Шера-лиев, В. Тоқибоев билан гў-за илҳолларини кўздан ке-чирмоқда.

Н. АЛМУРОДОВ оған сурут.



Хаётимиз кўрки-аёллар МЕНИНГ ТОПГАНЛАРИМ ДУРЛАРДАН АФЗАЛ

Менин кўп борадиган мажалиши Фаргона, энг сарва дугоналарим фарғоналик аёллар. Бир кун тузини ичиб, одамларга кирк кун тазани қилишга аҳд айлаганим кўзал Фаргона. Эҳ-ҳе, не-не истётдолли беҳни ўтири қиларга она беҳник бўлган дийр бу.

Кўзоннинг ёнбошидаги Яйпан қишлоғи баҳаво. Мева-челаси мўл. Бу ердаги «Ганиобод» хўжалигида кўп ёшлар маданият ишлар бўлича мутасадди бўлиб бўлган Махфират Омонавани доим кимгадир яхшилик қилди юрганида учратганман.

Юз оғиз мақтасангиз тамом — анордек қизариб, ўзини ноқулай сезади. Мақтовни сингдиришмайди. Овози, ўзи, қалами майин бу ипакка ўхшаган аёл қишлоқ ободончилигига, кўш ишларини, бадий ҳаваскорлик тўғрисида фаолиятини яхшилашга, болалар боғчаларини кенгайтиришга кўп ҳисса қўлиди.

Махфиратхоннинг шинам уй-жойига, опоқ дарнардари, дастурхону сочиқлари, нафис чинни-чиноғлига, болаларнинг одобиға, турмуш ўрғи Фуломжон билан ахилигига ва бу уйда китобларнинг қўлигига ҳавасим келди.

Шундай қилиб, Мақсуда Олтиариққа узатилди. Наф ҳидоят момонинг ҳовлилариға фаёз кирди. Туйдан сўнг уч-тўрт кун ўтиб, маҳалла оқсоқоли Қосимжон ота бу кўтүл хонадонга атайлаб кириб келди-ю қўлини дуоға очди.

— Вой-й, айланай, сиздан, — қўшини аёл хечраси ярқ этиб очилиб, қўвониб кетди. — Сизга худо берибди, айланай. Шокирхон ақанинг учта қизи бор, учовинчи бебаҳо. Беҳуда юришмайди. Тик этиб овозлари чиқмайди. Мақсудахон, айниқса, ажойиб; кечқурун ўқиб, кундузи ишлаётти. Барака топадиган қизи!

Шундай қилиб, Мақсуда Олтиариққа узатилди. Наф ҳидоят момонинг ҳовлилариға фаёз кирди. Туйдан сўнг уч-тўрт кун ўтиб, маҳалла оқсоқоли Қосимжон ота бу кўтүл хонадонга атайлаб кириб келди-ю қўлини дуоға очди.

— Сиз олтин топбисиз. Ҳидоятхон, келиннингиз фарштали экан. У келди-ю, кўчаларини яриллаб кетди. У ч кундан бери бомолд номозини ўқитган маскида бораётиб, қайрон қоламан. Қай вақт сув сепп-супуришга улгурдикин, деб Барака топсин.

Мақсудахон Давронова барака топти. Ҳўкитучи бўлиб ишлади. Лавозимларга кўтарилди. Ўғил-қизлари ҳам воёга етди. Тулкин Давронов нефтини қайта ишлаш заводида цех бошлиғи.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЗАДИЛАР

Газчилар учун оромгоҳ Қамаш туманидаги Лағгар қишлоғини кесиб ўтувчи Оқсу дарёси бўйида Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчилари учун санитарий кўришни бошлаб юборилди.

Шу куннинг фидойилари Косоний районидagi «Тергачи» жамоа хўжалиги аъзолари 48 гектар майдонга экилган арпа-буғдойдан мўл ҳосил кўтаришди.

Талаба-ёшлар маскани Бу йилги таътил ойларида талабалар, мактаб ўқувчиларининг ётқи дам олишини кўнгилли ўтказиш учун қўлай шароитлар яратиб берилмоқда.

Яқинда ана шу оромгоҳ қошида 12 гектар майдонда Нукус давлат педагогика институтини ректорати, партия ташкилоти ва касабга уюшмаси билан ҳамкорликда «Алло-миш» спорт-соғломлаштириш талаба-ёшлар оромгоҳи ташкил этилди.

Оромгоҳда футбол, волейбол, баскетбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда.

Оромгоҳнинг очилиши мусоабати билан дам олаётганлар ва тарбиячиларини институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори Ж. Бозорбоев, Қорақалғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Г. Аннақилчаева, Ўзбекистон ва Қорақалғистон халқ шоири Иброим Юсупов табриқладилар.



Пастдаги суратда эса Сиёб районидаги тўқимачилик-ақторлик фабрикаси ўровтаёрлов цехи илгор ўрвочиси Муассар Ражабовани кўриб турибиз. У кўнли ва ойлик вазибаларини ҳамини 120—130 фундан ошириб эди эгати. Тайёрлаган маҳсулот эса сифатли. Зотан бозор итисодиёти шариотида сифатли маҳсулот тайёрлаган ҳамини маррадан ўзати.

Ўзбек тилим-жону дилим ЭЪТИҚОД СОДДА ГАПИРИБ, ОДДИЙ ЁЗАЙЛИК

Одам болеси дунга келган кундан бошлаб гўзалликка интилади. Бу унинг ташки кўрниниға оро беришдан тортиб, кишилар билан мулоқотда чиройли сўзларни топиб айтишга бўлган интилишида ҳам яқол кўриниб туриди.

Шу даражада бориб етилди, она сутимиз билан қонимизга кирган тилимиз табиятига эид иш қила бошладик. Яъни, уни бошқача ва суний тарзда истеъмол қила бошладик.

Ушундан кўра чойини гапри қўнғи йўл билан олиб кетаётганда йўл тўсиди. Ташмачининг ҳам, ташиб кетилётган оқларининг ҳам турни қўп экан. Яқинда божхона ходимлари томонидан Қўнғиёна тумани худудига 69—00 ТН номерли «КамАЗ» юк машинаси тўхтатилди.

Халқимиз турли дабдалардан, суний ва сохта гаплардан чарчаган. Шундай экан, суҳбатдошимизга бир раг айтмоқчи бўлсангиз, сўзингизда ортинча зеб бериб ўтирманг, тил учини демиб турган икита сўздан қанчалик оғир оғир оғир тиланг.

Қонун олдиға ҳамма баробар

Дано халқимиз беҳудига «Бузоннинг югургани сомонхонага» демаган. Чунки ўйнақи бузоқ ҳарвад югурмаси эм-хашани кўргач, шўхбасиз, ўзини сомонхонага уради. Эндиликда «Ташмачининг югургани божхонага» деган нақл пайдо бўлибди. Чунки қўнғини ризиқини туя қилишга ўрганган ташмачилар нафе балосида ўзини бил-билимга божхоналарга урлатишди.

ТАШМАЧИНИНГ ЮГУРГАНИ БОЖХОНАГАЧА

Бажит Қадиров юлдузини бенавор урадиганлар тонфасидан чиқиб қолди. Худди шу «инбилармонлиғи» авазига бўлса керак, у қўшн Қозғонистон жумҳуриятининг Қизил Ҳудуд туманида «Азамат» кичик корхонаси очиб олишга улгурди.

Республика миқёсидаги анжуман

Яқин ўтмиш таъриблари шуни кўрсатдики, замонанинг зайлиға қараб тарихлар қайтадан ёзилди, илғорлар ўзгартрилди, кўҳна оқидалар ер юзидан сулуриб ташланди.

Ташмачилар сирасига яна чой ўғриларини ҳам кириштирилганда бу ноёб дори-дармонлар Озарбайжон жумҳурияти фуқароси Гасанов Рағмат Хонлар ўғлиға тегиши керак экан.

УМРБОҚИЙ САНЪАТ

иқоди — инсоннинг ўй фикри, орузлари каби эркин ва ҳамини парвозда. Яқинда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида Ўзбекистон Маданият ишлари назоратини ҳалқ ижодиёти ва маданият-марфий ишлар жумҳурият бошқармаси вилоят маданият бошқармаси ҳамкорликда ўтказган республика фольклор жамоалари раҳбарларининг «Фольклор санъати бугунги кунда» мавзусидаги илмий-амалий анжуман иштирокчилари шундай хулосага келдилар.

УМРБОҚИЙ САНЪАТ

да ўнлаб фольклор дасталари фаолият кўрсатётганлиги, бу дасталар санъатга ўз элатларининг ўзинга хос тил лаҳжаларини, ашула ва рақсларини олиб кираётганлиги, фольклор ҳазинасини янгилаб бойитётганлиги қайд этилди.

Янги китоб СИНАЛГАН ДАВОЛАР

Агар бемаврид шамоллаб қолсангиз, дори-дармонлар бўлмас таъширланманг, халқ таъаботининг синалган даволаридан фойдаланинг. Давоси ҳовлигизда ўсган (булмас бозора) оддий саримсоқ пиёз 2—3 донасини ажратинг, тозалаб майда қийиб, ярим пиёладан кўпроқ Бундай жуъли маслаҳатланг.

*Tabani*


Қуйидаги манзилга  
мувожаат этиб,  
бу ҳақда тўлиқ маълумот  
олиш мумкин:

Тошкент шаҳри,  
Катта Миробод кўчаси,  
158-уй (Ивлев, 67).  
"Табани групп оф компаниз"

Ўзбекистон  
Республикасидаги  
савдо агентларимиз:  
"Мунис" ЛТД,  
"ХЕСО" ЛТД,  
шунингдек  
"ФРИЯ" фирмалари.

Факс. 54-08-30.  
Telex. 116416 TABANI SU  
Telephon. 32-35-53,  
54-06-70, 54-07-98,  
55-35-49.

*Бош бошқарувчиси  
Аббосов*



Чекиш соғлигингизга зарардир!

**Бор бўлсин, яхшилар**

**ОДАМЛАРДАН НАЗАР ТОПГАЙ**

Турсунбой Сафаров Исом шoirнинг юрти — Нарпайдан. Шу босдан бўлса керак, сўзга жон киргизиб гапирди. Қанақа гўйгу билан шеър ёзади, уни ўқиганда ҳам шундай эҳтиросга тўлиб кетади. Самарқанд нашриётида «Кел, Наврўзим, баҳорим» деган тўлами ҳам чиққан.

Шoirлик Турсунбой аканинг битта фазилати холос. Энг муҳими, у киши давранинг одами. Ҳар қандай гурунга жон киритиб юборади.

— Турсунбой тўю маъракаларимизнинг жонувдди. — деди Наврўз маҳалда кўмитаси раиси Акрам Тожибоев. — У киши хизмат қилишдан эринмайди. Ҳар кимнинг фельига қараб муомала қилади. Оила аъзолари ҳам ўзига ўхшаган меҳнатнаш, одамхон, камтар.

Юрган — дарё, деб бежиз айтишмаган. Турсунбой ака юрт, эл кўрган одам. Нарпайдаги «Ғалаба» хўжалигида хат ташувчи, Каттакўрғон, Бухоро ва Урганч ёрмоёй комбинатларида технолог бўлиб ишлади. Хоразм вилоят комсомол кўмитаси тарғибот бўлими мудириси

сифатида Тошовуз ва Қорақалпоғистон вилоятлари ёшлари ўртасида ҳам дўстона муносабатлар ўрнатди.

Умуман, Хоразмдаги меҳнат фаолияти Турсунбой ака умрида ўзига хос из қолдирди. Ёшлар сардори сифатида Туямайин сув омбори қурилишида, ёшлар дўстлик боғи барпо этишида фаол қатнашди. Хоразм телевидениесининг «Ёшлик» студиясини бошқарди, вилоят рўзнамаларида тез-тез кўриниб турди ва ниҳоят, хоразмлик ёшлар ҳаётидан китоб чиқарди.

— Ҳаётда ота-онадан ташқари ҳар кимнинг ўз устози бўлади, — деди Турсунбой ака. — Мен учун хурматли юртдошим, Меҳнат Қахрамон Бектош Раҳимов ана шундай қадрлидир. У кишидан одамлар билан тиллашиш, чинакамаки ёниб яшаш ва энг муҳими маърифатга ташналикни ўргандим...

Айни пайтда эса у киши маданият ходимлари касбабо уюшмалари вилоят кўмитасининг раисидир. Шунга айтиш керакики, Турсунбой ака раҳбар бўлиб кабинетга, курсига ёпишиб оладиганлар хилидан эмас. Домо халқ орасида, янгиликка ўч.

Миронқулдаги Оқдўбра қишлоғида Турсунбой де-

ган бор пайдо бўлди. Бу жаннатмакон жой айнан ҳикоямиз қахрамонининг елиб югуриши, фидойилиги тўғриси яратилди. Хоазр 2 гектарли боғда минглаб одамлар хордиқ чиқариб, унинг сархил мевалиридан баҳраманд бўлмоқдалар. Фақат бугина эмас. Турсунбой ака 1975 йилда Хоразмдан қайтишида ўзи билан бирга кўплаб қовун уруғларини келтирди. Гурланлик Маъвафо Юсулов етиштирган бу навлар қисқа муддатда Зарафшон воҳасига тарқалиб кетди. Асад ойи Зарафшон дарёси бўйларини қовун ҳиди тўтиб кетарди.

Турсунбой ака оилада ҳам меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи Ойтула опа билан уч қиз ва бир ўғилни тарбиялаб воғта етказишди. Сал бўш вақти бўлса, ўзини маҳалла ободончилигига бағишлайди. Тўйларда, маъракаларда одамларга Президентимиз, ҳукуматимиз сивасатини тўшунтиради. Ҳар бир шеърда ёган:

**Асл фарзанд ота билан онасин хурматин сақлар,  
Унутмас элга хизматин одамлардан назар топгай,  
мисраларига амал қилиб яшайди.**

**Т. ФАРМОНОВ.**

**СПОРТ**

**ПРОФЕССИОНАЛЛАР ЖАНГИ**

● Боксини ўзларига касб қилиб олган профессионал спортчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати ўтказилди.

Москвада уюштирилган бу мусобақада энг шиддатли кураш америкалик Элферд Айс Коул билан англиялик экс-чемпион Глен Маккрори ўртасида давом этди. 12 раундлик жангда ғалаба қозониш осон бўлмади. Олтинчи раунддан кейин йиқилиб-туриб, яна жанг қилган инглиз боксчиси курашнинг охиригача чидади. Юлмаса ҳам ётиб қолмагани учун оқмиш олди. Коулнинг аса ўнг қўли ишламай қўлиб, чапаяғига чемпионлик унвонини сақлаб қолгани маълум бўлди.

**ЯНА БИР ЧЕМПИОН**

● Москвада курашнинг таэквандо тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Корея Халқ Демократик Республикасининг курашчилари мусобақага пухта ҳо-зирлик билан келишганлиги

маълум бўлди. Улар ўсмирлар ва қизлар ўртасида ҳам жамоа ҳисобида биринчиликини қўлга киритдилар. 30 мамлакат полвонлари қатнашган бу мусобақада Ўзбекистон курашчилари ҳам маҳорат кўрсатиб, ишончли оқлашга интидилар. Жумладан 63 килограмм вазинли Б. Қўлаҳмедов муваффақият қозониб, жаҳон чемпиони бўлди. 42 килограмм вазинли яна бир вакилимиз — Н. Нам эса кумуш медал олди. 53 килограмм вазинли Н. Загидуллона бронза медалини қўлга киритди.

**ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА**

● Туркиянинг Измир шаҳрида гимнастика бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар.

Нафосат баҳсида гимнастикачиларимиз Украина, Болгариядан кейин учинчи ўринни эгаллашди. Бу ютуққа тошкентлик Т. Маликова, Е. Кривонова ҳамда навоийлик Л. Валиевичлар муносиб ҳисса қўшдилар.

**«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ**

Халқимиз эътибор билан ўқийдиган, жамият ва халқ ҳаётининг жиддий муаммоларини ёритувчи «Мулоқот» журналининг янги 7-8 сони босмадан чиқди.

Журналнинг дастлабки саҳифаларида мустақиллик йўлидан сабот ва изланиш билан бораётган Ўзбекистон давлатини иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда нуфузли, фаровон мамлакатга айлантириш муаммолари кўтарилган. «Истиқлол ва ислоҳот» руҳини остида «Президент Каримовнинг беш тамойили» сарлавҳаси билан республика таниқли олимларининг шу масалаларга доир муҳокама, мунозараси эълон қилинган. Бу ижодий фикр алмашувида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси Саид Зиедуллоев, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик академиясининг академиги Саидмажид Усмонов ҳамда УзФА муҳбир аъзолари Мурод Шарифхўжаев, Анвар Аъзамхўжаев, Саидхорр Фуломов қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Фалсафа, жамиятшунослик соҳасида мураккаб йўللарни босиб ўтган атоқли олим Қў-

қор Хоназаров «Ижтимоий фалсафа. У мустақиллик, миллий давлатчилик ва миллий мафкура билан асослансин» мавзудаги чиқишида яқин ўтмишдаги фалсафа соҳасидаги жиддий ҳатоларга йўл кўйилгани ва бу ҳатоларда ўзи каби олимларнинг ҳам анчагина ҳиссаси борлигини майдона эътироф этиб, мазкур ҳатоларни тузатиш йўллари ҳақида фикр юритган.

«Мулоқот» журналы саҳифаларида «Миллий истиқлол мафкураси. У қандай бўлиши керак?» деган муаммо анчадан бери қизғин муҳокама қилинмоқда. Атоқли файласуф олим, (мархум) Қайдар Пулатов бошлаб берган муҳокама тобора қизинлашиб, унда миллий мафкура, унинг асослари ва истиқбол ҳақида таниқли олимлар катнашдилар. Журналнинг янги сониде бу муҳокамада фан ва жамоат арбоблари Комил Юсулов, Азиз Каюмов, Бектош Раҳимов, Жамол Камол, Шариф Болтаев катнашиб, қимматли муаммоларни ўртага ташлашди.

«Мулоқот»нинг фаол муаллифларидан бири, Андижон давлат дорилфунуни профессори, тарих фанлари доктори Рустам Шамсутдинов журналнинг ўтган сониде «Босмачилик ҳақида ўйлар» деган қи-

зиқарли мақола-тадқиқоти билан чиққан эди. Унда шўролар, большевикларнинг Урта Осиёда миллий озоқлик кучларига, тинч аҳолига қилган ваҳшийликлари фош қилинган. Журналнинг бу сониде ўша тадқиқотнинг давоми босилган. Унда босмачилик ҳаракати теран тадқиқ этилган.

Ватанимизнинг энг қадимий тарихида жуда кўп очилмаган, қоронғи саҳифалар бор. Таниқли муаррих олим Насимхон Раҳмоновнинг «Тарихингдор бир жаҳон...» мақоласида қадимий халқларимизнинг эътиқодлари тасвирланади. Устоз олимлардан Муталиб Усмонов «Муҳаммад пайғамбар» илмий асарига Расулulloх ҳаётини, ислом тарихини ёритди.

Журналнинг янги сониде адабиётшунослар Расулжон Носир мутафаккир шoir Сўфий Оллоев ҳақида, Ҳамидулло Кароматов «Амир Темурнинг «Куръонда фол очилиши», санъатшунос Розия Каримова «Рақс — дил дардини айтсин» мақоалари билан катнашган.

Журналнинг сўнги саҳифаларида «Мулоқот» дафинаси рундида шифокорларнинг халқ таъаботида оид маслаҳатлари берилган.

[«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 23 июлда чиқадди.]

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»**

РЕДАКЦИЯЛАР:  
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.  
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16,  
Жанрчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70,  
32-53-15.  
Вилоят муҳбирлари — 33-12-16, 32-57-20.  
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16  
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-53-70.  
Котибят — 33-72-83, 32-53-06.  
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.  
Қобулхона — 32-55-15.  
ЎЗ МУҲБИРЛАРИМИЗ:  
Андижонда — 4-48-85;  
Бухорода — 3-96-12;  
Гулистонда — 2-26-22;  
Жиззахда — 3-31-86;  
Навоийда — 3-74-76;  
Нукусда — 2-42-62;  
Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.

Қаршида — 3-25-79;  
Самарқандда — 35-22-90;  
Урганчда — 6-72-60;  
Термизда — 2-23-01;  
Фарғонада — 6-37-16.

● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилди.  
● Қўлэмалар ҳажми чекланмайди.  
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.  
Ҳажми 2 босма табақ, тиражи 156006 нуска.  
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.30.  
Г — 325. № 134.